

IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA

№2(8). 2017



Ш. Нарбаев Обоснование размеров производственных кооперативов пастбищепользователей.....	63
--	----

ИРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

N.D. Shirinova Personal and professional upbringing of learners by specific approach to the learning english.....	66
---	----

ИРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24-майдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3003-сонли қарори.....	70
---	----

С.С. Таджиев Ўзбекистондаги илғор замонавий сув тежовчи технологияларини қўллаш бўйича амалий семинар ташкил этилди.....	74
--	----

Г.Касимов, П. Умаров, Н. Гаипназаров Роль АВП в управлении водными ресурсами Аму-Бухарской ирригационной системы в условиях изменения климата	76
---	----

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЛГОР ЗАМОНАВИЙ СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

С.С.Таджиеев - стажёр ўқитувчи

Toшкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институту



Сув - бу олий неъмат. Ҳозирги кунда дунё миқёсида сув ресурсларни тежаш ҳамда замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда замонавий сув тежамкор технологияларидан самарали фойдаланиш зарур. Республикаизда ҳам бу борада кўп ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий ва илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, булар ўз самарасини бериб келмоқда.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини унинг салоҳиятини маҳаллий ва марказий даражада мустаҳкамлаш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мамлакат ичida сув хўжалигини бошқаришни мақбуллаштириш, сув сектори маъёрий-хукукий базасини такомиллаштириш ва табиий оғатлар хавфини пасайтириш борасида қўллаб-кувватлашга йўналтирилган.

Лойиҳанинг умумий мақсади сув билан боғлиқ табиий оғатларнинг олдини олиш ва унга тайёр бўлишни ҳисобга олган ҳолда яхлит, шаффоф ва эҳтиёжга асосланган сув ресурсларидан фойдаланишини тарғиб қилиш саналади. Лойиҳанинг вазифаларига, бошқа масалалар билан бир қаторда, дала фермерлик мактабларини ташкил этиш ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш масаласи ҳам киради.

Фермер хўжаликлари даражасида сувдан фойдаланиш ҳолатини яхшилашга кўмаклашишнинг муҳим воситаларидан бири илғор амалиёт ҳамда технологияларни намойиш қилиш, шунингдек, фермерлар орасида мавжуд билим ва тажрибани оммалаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси доирасида илғор сув тежовчи технологиялар ва диверсификация қилинган фермер хўжаликларини намойиш қилиш учун танишув сафарини ўтказиш режалаштирилган эди.

Шу боис лойиҳа ташкилотлари томонидан сув хўжалиги мутахассислари ва фермерларга сув тежовчи илғор технологияларни намойиш этиш учун Жizzах вилоятининг Зомин ҳамда Тошкент вилоятининг Янгийўл туманларига танишув сафари ташкил этилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 50 нафардан зиёд сув хўжаликлари ташкилотлари мутахассислари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Зомин туманида сафар иштирокчиларига «Rainfine» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йилда биринчи тажриба лойиҳаси сифатида амалга оширилган 100 гектар майдондаги ёмғирлатиб сувориш тизимининг қўлланилиши намойиш этилди.



Ёмғирлатиб сувориш тизимининг афзаллеклари 13 гектардан 200 гектаргача бўлган майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларини битта сув етказиб бериш нуқтасидан суворишда кам меҳнат сарфи ва кичик миқдорда сув талаб этилиши саналади. Сув манбаси бўлиб қудук ҳам, дарё ҳам хизмат қилиш мумкин. «Rainfine» компаниясининг ёмғирлатиб сувориш ускунаси қишлоқ хўжалиги экиннинг турига қараб, экинларни суворишнинг оддий, анъанавий усулига қараганда сув ресурсларини 30-60 фоизга тежайди. Ёмғирлатиб сувориш усули минерал ўғитларни зарур дозаларда қўшиш имкониятини беради, бу эса ўғитлар тежамкорлигига эришишга ва шу тариқа кам харажат орқали мўл ҳосил етиштиришга олиб келади.



Суворишнинг мазкур тизими тузилиши ўзига хос сифатга эга бўлиб, металлдан ишланган ускуна кафолат муддати бошқа сувориш тизимларидан фарқли равишида 20 йилни ташкил этади. Сарфланган маблағни қоплаш муддати эса, мазкур ускунадан фойдаланувчи турли манбаларнинг маълумотларига кўра, бир йилни ташкил этади.

Куннинг иккинчи ярмида танишув сафари иштирокчи-



лари «GDFExport» компаниясига қарашли Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги ер участкасида ташриф буюрдилар. Ўзбекистондаги мазкур компания умумий майдони 2250 гектар бўлган ерда (мевали боғлар ва иссиқоналарда) замонавий томчилатиб суғориш тизимини кўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари етиширишга ихтисослашган.

Маълумки, Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани ерлари мураккаб рельефга эга бўлиб, ер юзасида катта нишабликлар мавжуд. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ўзига хос ёндашув ва катта меҳнат сарфини талаб этади. Экинларни одатий жўяқ тортиш усули билан суғорища сувнинг 25 фоизи эгат охиридағи чиқариб юбориш жойида йўқотилади. Бундан ташқари, тикроқ бўлган нишабликларда юқори дараҷада тупроқ эрозияси кузатилади.

Танишув сафари иштирокчиларига Янгийўл туманида сабзавот етиширишда (булғор қалампири) қўлланилаётган томчилатиб суғориш тизимининг иши намойиш этилди. Томчилатувчи мослама сифатида «METZERFLAST» фирмасининг қуидаги техник характеристикага эга бўлган тизими қўлланилган: суғориш қувурининг диаметри — 16 мм; битта томчилатувчи мосламанинг сув сарфи — 2,10 л/соат; томчилатувчи мосламалар орасидаги масофа — 0,3 метр.

Иштирокчилар «GDFExport» компаниясининг сабзавот кўчатлари етиширилувчи (шу жумладан, помидор, бодринг, булғор қалампири кўчатлари) иссиқона хўжалиги билан ҳам танишдилар. Бу ерда кўчатлар компаниянинг шахсий эҳтиёжидан ташқари қўшни фермер ва

дехқон хўжаликлари ҳам етказиб берилади.

Танишув сафари натижасида сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари ва Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси фаолиятига алоқадор фермер-тренерлар сув ресурсларини бошқариш воситаларидан фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларни қўллашнинг маҳаллий тажрибаси, сувни тежаш ва сув сарфини ҳисоблашнинг илғор усуллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кооперацияни ривожлантириш, суғориш манбасидан далагача бўлган ҳолатдаги сув ресурсларини бошқариш тизими билан танишдилар.

Кузги буғдој, пиёз ва ловияни 4 та қудуқдан фойдаланилган ҳолда еrosti сувлари ёрдамида битта ёмғирлатиб суғориш тизимини қўллаб суғориш, суғориш гидрантларидан муайян суғориш участкасида зарур микдордаги сувнинг автоматик равишда етказилиши иштирокчиларга кучли қизиқиш ўйғотди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашнинг замонавий технологиялари ҳамда мураккаб рельефли турли тупроқларда сабзавотлар етишириш ва интенсив боғлар яратиш масаласи ҳам алоҳида таъкидланди.

Бу каби инновацияларнинг аксариятидан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам фойдаланиш мумкин. Танишув сафари иштирокчилари олинган билимларини ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳудудларда қўллаш ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда сувни тежашнинг илғор технологияларини ўз ташкилотларида оммалаштиришга кўмаклашиш борасидаги хоҳишлиарини билдиридилар.